

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ

1-2-сон  
(53-54)  
2017 й.

*«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.*

*В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2011 года № ПП-1602 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.*

## МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

### ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Афғонистон Ислом Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида Битим (2017 йил 24 январь, Қобул) ..... 4
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Афғонистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида Ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми (2017 йил 24 январь, Қобул) ..... 10

Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида Шартнома (2017 йил 6 март, Ашхобод) .....	12
Договор между Республикой Узбекистан и Туркменистаном об экономическом сотрудничестве на 2018 — 2020 годы (Ашхабад, 6 марта 2017 года) .....	23
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Туркменистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўртасида Сув хўжалиги масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим (2017 йил 6 март, Ашхобод) .....	34
Соглашение между Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан и Министерством сельского и водного хозяйства Туркменистана о сотрудничестве по водохозяйственным вопросам (Ашхабад, 6 марта 2017 года) .....	38
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон-Қозоғистон Давлат чегарасидан ўтказиш пунктлари тўғрисидаги битимга 2006 йил 4 сентябрда имзоланган баённомага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома (2017 йил 14 март, Остона) .....	42
Протокол о внесении изменений и дополнений в протокол к Соглашению между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан О пунктах пропуска через Узбекско-Казахстанскую Государственную границу от 4 сентября 2006 года (Астана, 14 марта 2017 года) .....	44
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида Битим (2017 йил 23 март, Остона) .....	46
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о межрегиональном сотрудничестве (Астана, 23 марта 2017 года) .....	50
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Минтақалараро ҳамкорликка кўмаклашиш тўғрисида Битим (2017 йил 5 апрель, Москва) .....	54
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о содействии межрегиональному сотрудничеству (Москва, 5 апреля 2017 года) .....	57
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Миграция соҳасида ваколатли органларнинг ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида Битим (2017 йил 5 апрель, Москва) .....	60

Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о взаимном учреждении представительств компетентных органов в сфере миграции (Москва, 5 апреля 2017 года) .....	62
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида Битим (2017 йил 5 апрель, Москва) .....	65
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о развитии сотрудничества в области туризма (Москва, 5 апреля 2017 года) .....	68
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (2017 йил 5 апрель, Москва) .....	71
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о сотрудничестве в области здравоохранения, медицинского образования и науки Москва, 5 апреля 2017 года .....	74
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан Туркменистон Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ер ресурслари давлат қўмитаси ўртасида Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (2017 йил 20 май, Туркманбоши) .....	78
Соглашение между Государственным комитетом Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды и Государственным комитетом Туркменистана по охране окружающей среды и земельным ресурсам о сотрудничестве в области охраны окружающей среды и устойчивого развития (Туркменбаши, 20 мая 2017 года) ....	81

## ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан  
Афғонистон Ислом Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
ўртасида Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва  
прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши  
курашда ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ**

*2017 йил 24 январь, Қобул*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2017 йил 24 январдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Афғонистон Ислом Республикаси Ички ишлар вазирлиги, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи Томонлар давлатлари хавфсизлиги, жамият манфаатлари ва аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдиришини англаб,

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик орқали саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг долзарблигини тан олиб,

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши самарали курашиш мақсадида бир-бирларига зарурий кўмак кўрсатишга тайёрликларини билдириб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги Наркотик моддалар тўғрисида Ягона Конвенцияси, 1972 йилдаги Баённома билан унга қиритилган ўзгартишлар, 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенция, 1988 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги Конвенция, шунингдек БМТнинг бошқа тегишли резолюциялари ва ҳужжатлари қоидаларини инобатга олиб,

ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

### **1-модда**

#### **Умумий қоидалар**

1. Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг (бундан буён



«гиёҳвандлик воситалари») ноқонуний муомаласига қарши самарали кураш-ни ташкил этишда ҳамкорлик қиладилар.

2. Мазкур Битим экстрадиция қилиш ва жиноий ишларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларига дахл қилмайди.

## **2-модда**

### **Ҳамкорлик йўналишлари**

1. Томонларнинг мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

а) бир Томоннинг сўровномасига биноан бошқа Томон тарафидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;

б) гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласи соҳасидаги уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятининг олдини олишга қаратилган мувофиқлаштирилган тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан зарур ҳолларда «назорат қилинадиган етказиб бериш» усулини қўллаш;

с) кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш;

д) моддий-техник ва консултьатив ёрдам кўрсатиш, шунингдек экспертиза ўтказишда қўмаклашиш;

е) гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига қарши кураш масалалари бўйича ўзаро қизиқиш уйғотадиган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

ф) ҳамкорлик жараёнида вужудга келадиган масалалар, шу жумладан ишчи гуруҳлар ташкил этиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

г) Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли бошқа йўналишлари.

2. Мазкур модда биринчи банди «с», «д» ва «е» кичик бандларида кўзда тутилган ҳамкорликни амалга оширишнинг аниқ шартлари ҳамда уни молиялаштириш Томонлар ўртасидаги алоҳида келишувлар билан белгиланади.

## **3-модда**

### **Ҳамкорлик шакллари**

1. Томонларнинг мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлиги қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига алоқадор жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва очишга қўмаклашувчи маълумот, шу жумладан шахслар, ташкилотлар, предметлар ва ҳужжатлар, йўналишлар, гиёҳвандлик воситалари контрабандасини амалга ошириш усуллари ва воситалари, гиёҳвандлик воситаларининг янги кўринишлари ва уларни ишлаб чиқариш технологияси ҳақида маълумот алмашиш;

б) тажриба алмашиш, шу жумладан учрашув, конференция ва семинарлар ўтказиш орқали;

с) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ҳақидаги материаллар, статистик маълумотлар ва гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига қарши кураш бўйича услубий тавсиялар алмашиш;

д) кинологик хизматлар ишини ташкил этиш бўйича тажриба алмашиш.

2. Мазкур Битим Томонлар ҳамкорликнинг бошқа ўзаро мақбул шакллари жорий қилишлари ва ривожлантиришларига тўсқинлик қилмайди.

#### **4-модда** **Маълумот алмашиш**

1. Мазкур Битим доирасида қуйидагилар ҳақида маълумот алмашиш амалга оширилади:

а) Томонлардан бирининг давлати ҳудудида содир этишга тайёргарлик кўриладиган ёки содир этилган гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига алоқадор ҳар қандай жиноятлар;

б) бир Томон давлатига бошқа Томон давлатидан гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний тарзда, шу жумладан бошқа давлатлар ҳудуди орқали транзит олиб ўтилган ҳолатлар;

с) бир Томон давлати ҳудудидан бошқа Томон давлати ҳудудига гиёҳвандлик воситалари ноқонуний тарзда ўтказишга бўлган интилишларга оид фактлар ва ҳолатлар;

д) гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига алоқадор бўлган ва фаолияти шу жумладан трансмиллий хусусият касб этувчи жиноий гуруҳларнинг тузилмаси, шахсий таркиби, фаолият йўналишлари, бошқарувнинг ташкил этилиши ва алоқалари;

е) гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига алоқадор жиноий фаолиятни амалга оширишнинг шакл ва усуллари;

ф) даромадларни легаллаштириш ва гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласи соҳасидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадлардан терроризмни молиялаштириш жиноятлари, башарти бир Томон давлати ҳудуди ёки муассасалари бошқа Томон фуқаролари тарафидан бундай максадларда фойдаланиладиган бўлса;

г) гиёҳвандлик воситаларини яширишнинг янги турлари, шунингдек уларни аниқлаш усуллари, ноқонуний ташиш йўналишлари ва каналлари, ноқонуний муомалага кириб келаётган бундай воситалар ва ашёларнинг янги кўринишлари, уларнинг хусусиятлари ва тайёрлаш технологияси;

ҳ) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласида фойдаланиладиган транспорт воситалари, юклар ва почта жўнатмалари;

и) ўзаро манфаатли бошқа масалалар.

#### **5-модда** **Назорат қилинадиган етказиб беришлар**

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласида иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида Томонлар давлатлари ҳудудига Томонлар давлатлари ваколатли органлари олдиндан хабардор бўлган ва назорат қилаётган ноқонуний ташиладиган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки ўрнини босувчиларининг кириши, транзити ёки олиб чиқилишига йўл қўйилмайдиган «назорат қилинадиган етказиб бериш» усулини қўллаш учун

Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ зарурий шарт-шароитларни таъминлайдилар.

Томонлар тарафидан «назорат қилинадиган етказиб бериш» усулидан фойдаланиш тўғрисида қарор ҳар бир алоҳида ҳолатда улар ўртасидаги келишувга мувофиқ ва ўзаролик принципи асосида қабул қилинади.

Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига амал қилган ҳолда, ноқонуний гиёҳвандлик воситалари контрабанда каналларини, шу жумладан учинчи томонларнинг иштирокини аниқлаш мақсадида кейинги ташишда фойдаланилиши мумкин.

## **6-модда**

### **Ҳамкорликни амалга ошириш**

1. Мазкур Битим доирасида кўмак бериш бундай кўмак ўзаро манфаатли деб ҳисобланган Томон ташаббуси билан ва сўровномалари асосида амалга оширилади.

Кўмак бериш ҳақидаги сўровнома ёзма шаклда ёки матнни ўзгартириш техник воситаларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади.

Маълумот узатишнинг техник воситаларидан фойдаланилганда, шунингдек олинган сўровноманинг ҳақиқийлиги ёки мазмуни шубҳа туғдирганда, сўралаётган Томон сўраётган Томондан ёзма шаклда тасдиқлашни сўраши мумкин. Сўровномада қуйидагилар акс этирилиши лозим:

а) сўраётган Томон номи;

б) сўралаётган Томон номи;

с) сўралаётган иш моҳияти, иш бўйича ўтаётган ёки унга алоқадор шахс ёки шахслар, маълумот талаб қилинаётган фактлар, предмет ва ҳужжатлар тўғрисида имкон қадар батафсил маълумот;

д) бажарилиши лозим бўлган тadbирлар ёки муайян тартибнинг қўлланиш сабаблари ҳамда батафсил тавсифи;

е) зарур ҳолларда, сўровнома бажарилиши кутилаётган муддат;

ф) сўровнома бажарилиши учун зарур бўлган бошқа маълумот;

г) чиқиш рақами, санаси ва мазкур Битимга ҳавола.

Зарур ҳолларда, сўровнома бажарилишини енгиллаштириш мақсадида унга ҳужжатлар, ҳужжатлардан нусхалар ёки кўчирмалар, фотосурат, аудио, видео ва бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

2. Сўралаётган Томон сўровномани тез ва имкон қадар тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун барча зарурий чоралар кўради. Зарур ҳолларда, Томонлар сўровнома бажарилишини енгиллаштириш мақсадида қўшимча маълумот сўрашлари мумкин.

3. Сўралаётган Томон сўровномани ўз давлати ҳудудида ижро этишда сўраётган Томоннинг ваколатли вакиллари иштирок этишларига рухсат бериши мумкин, башарти бу унинг давлати миллий қонунчилигига зид бўлмаса.

## **7-модда**

### **Сўровномани бажаришни рад этиш**

1. Сўралаётган Томон сўровномани бажариш инсон ҳуқуқларининг бу-

зилиши, унинг давлати суверенитети, хавфсизлиги ва бошқа муҳим манфаатларига зарар етказиши ёхуд давлатининг миллий қонунчилигига зид деб топса, сўровномани бажаришни тўлалигича ёки қисман рад этиши мумкин.

2. Сўровномани бажариш рад этилган тақдирда, сўралаётган Томон дарҳол сўраётган Томонни ёзма равишда хабардор қилади.

### **8-модда** **Махфийлик**

1. Томонлар мазкур Битим доирасида бир-бирларидан оладиган маълумотларнинг, башарти бундай маълумот махфий бўлса ёки тақдим этувчи Томон унинг ошкор этилишини истамаса, махфийлигини таъминлайдилар. Мазкур тартиб техник воситалар, қурилмалар ва материалларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

2. Мазкур Битим доирасида олинган маълумот, техник воситалар, қурилмалар ва материалларни учинчи томонга тақдим этиш зарур бўлган ҳолларда, уларни тақдим этган Томоннинг ёзма розилиги талаб этилади.

3. Сўровноманинг махфийлигини сақлаган ҳолда уни бажаришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, сўралаётган Томон бу ҳақда сўраётган Томонни хабардор қилади ва сўраётган Томон бундай шартларда сўровномани бажариш ҳақида қарор қабул қилади.

4. Барча ҳолларда Томонлар маълумотдан бегона шахсларнинг фойдаланиши, уни ноқонуний ўзгартирилиши, йўқ қилиниши ёки ошкор қилинишидан самарали ҳимояни таъминлайдилар.

### **9-модда** **Харажатлар**

1. Ҳар бир Томон, башарти бошқача келишувга эришилмаган бўлса, мазкур Битим қоидаларини амалга оширишда юзага келадиган харажатларни мустақил қоплайди.

2. Зарурият туғилганда, Томонлар мазкур Битимдан келиб чиқадиган ҳаракатларни амалга ошириш бўйича харажатларни биргаликда қоплашлари мумкин, бунда ҳар бир алоҳида ҳолат ўзаро мақбул келишув билан яқунланади. Биргаликдаги харажатлар бўйича Томонларнинг мажбуриятлари мазкур келишувлар билан тартибга солинади.

### **10-модда** **Ҳамкорлик тили**

Томонлар мазкур Битим доирасида ҳамкорликни амалга оширишда инглиз тили ёки ўзаро келишувга мувофиқ бошқа тилдан фойдаланадилар.

### **11-модда** **Ҳамкорликни амалга оширишни назорат қилиш**

Томонлар ўзаро келишувга мувофиқ мазкур Битим доирасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини баҳолаш ва ўзаро кўриб чиқиш ҳамда зарурият

тувилганда ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва тадбирларни мувофиқлаштириш учун икки томонлама учрашувлар ташкил қиладилар. Учрашувлар навбат билан ҳар бир Томон давлати ҳудудида ўтказилади.

**12-модда**  
**Низоларни ҳал қилиш**

Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ юзага келадиган барча низолар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

**13-модда**  
**Ўзгартиш ва қўшимчалар**

Томонларнинг ўзаро розилигига кўра мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланувчи ва мазкур Битим учун белгиланган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар орқали ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

**14-модда**  
**Битимнинг кучга кириши, амал қилиши ва тугатилиши**

Мазкур Битим имзоланган санадан кучга киради ва Томонлардан бири ушбу Битимнинг амал қилишини тугатиш истаги тўғрисида уч (3) ой аввалдан ёзма хабардор қилгунига қадар амал қилади.

Қобул шахрида 2017 йил 24 январда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, дори ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда тафовут юзага келган тақдирда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан  
Афғонистон Ислол Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги  
ўртасида Ҳамкорлик тўғрисида  
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

*2017 йил 24 январь, Қобул*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2017 йил 24 январдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Афғонистон Ислол Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонлар давлатлари ўртасида икки томонлама алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истагида,

ўзаро қизиқиш уйғотадиган соҳалардаги икки томонлама муносабатларни шериклик, тенглик, яхши қўшничилик ва ички ишларга аралашмаслик принциплари асосида ривожлантиришга интиланган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Томонлар икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари, ўзаро қизиқиш уйғотадиган минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилиш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

**2-модда**

Томонлар ушбу Меморандумнинг 1-моддасида кўрсатилган масалалар бўйича маслаҳатлашувларни доимий асосда навбат билан Ўзбекистон ва Афғонистонда ёки халқаро тадбирлар доирасида ўтказадилар.

Делегациялар даражаси, маслаҳатлашувлар кун тартиби ва муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.

**3-модда**

Маслаҳатлашувлар қуйидаги масалаларни қамраб олиши мумкин:

а) Томонлар давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, мазкур соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашиш;

б) Томонлар давлатлари ўртасида тузилган икки томонлама шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида уларни мониторинг қилиш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва кенгайтириш;

в) терроризм, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари муомаласи ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш;

г) маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш.

#### **4-модда**

Томонлар ўз ваколатлари доирасида иккала мамлакатнинг давлат бошқарув органлари ва муассасалари ўртасида бевосита алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожланишига кўмаклашадилар.

#### **5-модда**

Томонларнинг халқаро конференциялар ва учрашувларда иштирок этаётган вакиллари, шунингдек учинчи давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлардаги икки давлат дипломатик миссиялари ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича маслаҳатлашувлар олиб боришлари мумкин.

#### **6-модда**

Ушбу Меморандумни талқин қилиш ва қўллашда юзага келадиган барча низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал этилади.

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ушбу Меморандумга ёзма равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

#### **7-модда**

Ушбу Меморандум Томонлар имзолаган санадан кучга киради ва Томонлардан бири бошқа Томонни ушбу Меморандумнинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали уч (3) ой аввал хабардор қилгунига қадар амал қилади.

Қобул шахрида 2017 йил 24 январда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, дори ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги матн устувор бўлади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида  
2018 — 2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий  
ҳамкорлик тўғрисида  
ШАРТНОМА**

*2017 йил 6 март, Ашхобод*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил  
1 майдаги ПҚ-2937-сонли қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2017 йил 17 июлдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

стратегик шериклар ҳисобланган ҳолда, шу жумладан иқтисодий соҳада ҳам,

Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1996 йил 16 январдаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида 2004 йил 19 ноябрдаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида 2007 йил 18 октябрдаги Шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида ўзаро махсулот етказиб бериш тўғрисида 2012 йил 2 октябрдаги Битим, шунингдек Томонлар иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалар қоидаларига амал қилган ҳолда,

икки мамлакат халқлари ўртасида тарихий шаклланган дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч муносабатларига асосланиб,

савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, илмий-техникавий, маданий ва гуманитар соҳаларда кенг кўламли ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда уларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш муҳимлигини эътироф этган ҳолда,

жаҳон иқтисодиётидаги замонавий талаб ва тенденцияларни инобатга олган ҳолда, ўзаро савдо ҳажмларининг барқарор ўсишига эришиш, иқтисодий ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилиб,

икки давлат худудида амалдаги миллий қонунчиликка риоя қилиб ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принципларини ҳисобга олган ҳолда,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Томонларнинг иқтисодий ҳамкорлиги давлатлар суверен тенглиги, тенг



ҳуқуқлилик, стратегик шерикчилик ва ўзаро манфаатдорлик принципларига асосланади ҳамда Томонларнинг миллий манфаатларини инobatга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар тўғридан-тўғри ҳамжихатлик орқали амалга оширилади.

## **2-модда**

Мазкур Шартнома қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилди ва қўлланилади:

савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш ва илгари суриш;

миллий иқтисодиётнинг юқори суратларда барқарор ўсишига эришиш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш;

товар айланмаси ҳажмини ошириш ва тузилмасини такомиллаштириш, Томонларнинг корхона ва компаниялари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашиш ва уларни рағбатлантириш;

ўзаро манфаатдорлик асосида транспорт ва юкларни транзит ташиш соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

кишлоқ хўжалиги, туризм, маданият, фан ва таълим соҳаларидаги ҳамжихатликни жадаллаштириш.

## **3-модда**

Мазкур Шартнома мақсадларига эришиш учун Томонлар қуйидаги вазифаларни ҳал этадилар:

иқтисодий соҳада олий даражада эришилган келишувларни кенг миқёсда амалга оширилишини таъминлаш;

икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқлилик асосида кенгайтириш ва ривожлантириш;

икки томонлама савдо муносабатларини янада ривожлантиришга, шу жумладан ўзаро қизиқиш уйғотадиган юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ва товарларни бир-бирларига етказиб беришни кенгайтириш ҳисобига товар айланмаси номенклатурасини диверсификация қилишга, унинг барқарор ўсишини таъминлаш ва мувозанатлашган ҳолатига эришишга кўмаклашиш;

иккала давлат корхона ва компанияларини, шу жумладан кичик бизнес корхоналарини Томонлар ҳудудларида ўтказиладиган халқаро кўргазма-ярмарка тадбирларига жалб қилишга ва фаол иштирок этишларига кўмаклашиш;

Томонларнинг корхона ва компаниялари ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга, шунингдек қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;

икки мамлакат минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга кўмаклашиш;

иқтисодий ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш;

кишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик ва тажриба алмашишни ривожлантириш;

икки давлатнинг илғор туроператорлари ўртасидаги узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга, туризм соҳасидаги ҳамкорликка, ўзаро туристлар оқимини, шу жумладан учинчи мамлакатлардан кескин кўпайтиришга кўмаклашиш;

транспорт-коммуникация соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, юк ташиш ҳажмининг янада ошишини таъминлаш, минтақавий транспорт йўлаклари ва инфратузилмаларидан самарали фойдаланиш учун ташқи савдо юкларини ташишга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўзаро преференциал шарт-шароитлар тақдим этиш.

#### **4-модда**

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида ишлаб чиқариш кооперацияси тўғрисида 1996 йил 16 январдаги Битим қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш кооперациясини, шу жумладан қуйидагилар орқали янада ривожлантириш тўғрисида келишиб олдилар:

мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, тармоқлар ва тармоқлараро комплекслар ўртасида уларнинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш алоқалари асосида кооперацияни амалга ошириш ва ривожлантириш;

икки давлат ҳудудларида амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳалар ва тендер савдоларида Томонлар корхоналарининг иштирок этишини рағбатлантириш.

#### **5-модда**

Томонлар транспорт ва транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳар иккала давлат учун ҳам стратегик хусусиятга эга эканлигини таъкидладилар. Шу муносабат билан Томонлар:

автомобиль, темир йўл, дарё ва ҳаво қатнови соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирадилар, миллий ташувчилар фаолияти, мавжуд транзит салоҳиятидан ҳамда амалдаги инфратузилмадан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратадилар;

амалдаги ва истиқболдаги халқаро ҳамда минтақавий транспорт йўлакларининг рақобатбардошлигини ривожлантириш ва ошириш соҳасида, шу жумладан юкларни ташиш учун қулай тариф шартларини шакллантириш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттирадилар;

ташқи бозорларга чиқиш учун транспорт йўлаклари ва магистралларини диверсификация қилиш, шунингдек Томонлар ҳудудларидан ўтувчи ташқи савдо юкларини ташиш учун қулай шароитлар яратиш бўйича ишларни давом эттирадилар;

«Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Ўмон» халқаро транспорт ҳамда транзит йўлагини ташкил этиш тўғрисидаги Битимни ҳаётга янада татбиқ этишга кўмаклашадилар;

иккала давлат транспорт идоралари, транспорт-экспедиторлик ассоциа-

циялари ва корхоналари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилишига, уларнинг Томонлар ҳудудларида ўтказиладиган халқаро транспорт конференциялари, форумлари ва бошқа тадбирларида иштирок этишларига кўмаклашадилар.

#### **6-модда**

Томонлар қуйидагиларга кўмаклашадилар:

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалаларида, шу жумладан Марказий Осиёнинг трансчегаравий дарёлари хавзаларининг сув ва энергетика ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича, шунингдек Орол денгизи хавзасида экологик инқирозни бартараф этиш ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш бўйича ягона позицияни ишлаб чиқиш;

Томонлар ҳудудларидаги сув хўжалиги ва электроэнергетика объектларида фойдаланилаётган автотранспорт, механизмлар ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг объектларга кириш, чиқиш ва улар ҳудудида бўлиб туришини ўрнатилган тартибда таъминлаш;

таълим, илмий-тадқиқот ишлари, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш.

#### **7-модда**

Томонлар мазкур Шартномани амалга ошириш мақсадида ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик Дастурини (бундан кейин — Дастур) қабул қиладилар ва унинг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашадилар.

#### **8-модда**

Томонлар Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман Қўшма комиссиясига Дастурнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ва унинг амалга оширилишини назорат қилишни топширадилар.

#### **9-модда**

Мазкур Шартноманинг қоидаларини талқин қилиш ва қўллашга доир баҳс ва келишмовчиликлар маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал этилади.

#### **10-модда**

Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Шартномага, ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва унинг 12-моддасига мувофиқ кучга кирадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

**11-модда**

Мазкур Шартнома Томонлар иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга даҳл қилмайди.

**12-модда**

Мазкур Шартнома Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликларини тасдиқловчи сўнгги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб кучга киради ва 2020 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонга ушбу Шартномани тугатиш тўғрисида ёзма хабарнома юбориш йўли билан унинг амал қилишини тугатиши мумкин. Бу ҳолда шундай хабарнома олинган санадан бошлаб олти ой ўтгач Шартноманинг амал қилиши тугатилади.

Агар Томонлар бошқача келишиб олмасалар, мазкур Шартнома амал қилишининг тугатилиши унинг доирасида бошланган лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилишига улар тўла яқунланмагунига қадар таъсир қилмайди.

Ашхобод шаҳрида 2017 йил 6 мартда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил юридик кучга эга.

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилишда рус тилидаги матндан фойдаланилади.

*(имзолар)*

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида Шартномага ИЛЮВА

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирлар	Ижро этили мuddатлари	Баजारувчилар	
			Ўзбекистон Республикаси томонидан	Туркманистон томонидан
<b>I. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари</b>				
1.1.	Олий даражадаги таширлар доирасида савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни тўла қонли амалга ошириш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Туркманистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
1.2.	Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман Қўшма комиссияси йиғилишларини ўтказиш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Туркманистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
1.3.	Икки томонлама савдо ҳажмини, шу жумладан ўзаро маҳсулот етказиб бериш тўғрисида 2012 йил 2 октябрдаги Битимга мувофиқ, ошириш ва диверсификация қилиш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, тармоқ идоралари ва компаниялари	Туркманистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
1.4.	Ўзбекистон Республикасидан Туркманистонга кенг номен-клатурдаги маҳсулотлар, шу жумладан енгил ва юк автомо-биллар, махсус техникалар, янги ва қайта ишланган мева-саб-завот маҳсулотлар, текстил буюмлар кимевий ва электротех-ник маҳсулотлар, маиший техника, қурилмиш материаллари, шипша идишлар ва бошқа маҳсулотларни тизимли ва узоқ мuddатли етказиб беришни ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш.	2018 — 2020 йиллар	«Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «Ўзбекентилсаноат» АЖ, «Ўзэлтхасаноат» АЖ, «Ўзжипсаноат» АЖ, «Ўзгагроэспорт» АЖ, «Ўзсаноатэкспорт» АЖ, «Ўзталдирбўртспорт» АЖ	Саноат вазирлиги, Текстил саноати вазирлиги, «Туркманкимё» давлат концерни
1.5.	Қишлоқ хўжалиги учун замонавий технологиялар, техника ва ускуналар жорий этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида 2014 йил 24 октябрдаги Англашув Меморандуми доирасида Туркманистонга кенг турдаги замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва осма ускуналарни етказиб бериш соҳасига ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш.	2018 — 2020 йиллар	«Ўзгагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзсаноатэкспорт» АЖ	Туркманистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
1.6.	Туркманистон Худудлида «Ўзгагротехсаноатхолдинг» акция-дорлик жамиятининг Савдо-сервис маркази фаолиятини етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналарга	2018 — 2020 йиллар	«Ўзгагротехсаноатхолдинг» АЖ	Туркманистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар

Т/р	Талбирлар	Ижро этиш мuddатлари	Бажарувчилар	
			Ўзбекистон Республикаси томонидан	Туркменистон томонидан
	кафолат мuddатида ва ундан сўнг техник хизмат кўрсатиш, уларга эhtiёт қисмларни етказиб бериш бўйича самарали ташкил этиш.			
1.7.	Туркменистондан Ўзбекистон Республикасига саноат соҳасидаги корхоналар учун ишлаб чиқариш-техникавий маҳсулатларга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан нефть ва нефть маҳсулотлари, газ конденсати, кимёвий маҳсулотлар, пропилен полимерлари, олефинлар, бишофит ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришни ташкил этиш.	2018 — 2020 йиллар	Тармоқ идоралари ва компаниялари	«Туркменгаз» давлат концерни, Туркманбоши нефтни қайта ишлаш заводи
1.8.	Ўзаролик асосида кенг номенклатурали зарур маҳсулотни сотиш бўйича савдо уйларишни ташкил этиш.	2018 — 2020 йиллар	Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзжурилинматериаллари» АК, «Ўзбекентилсаноат» АЖ, «Ўзэлтехсаноат» АК, «Ўзжимсаноат» АЖ, «Ўзгазэкспорт» АЖ	Туркменистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Туркменистон ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар уюшмаси, тегишли вазирлик ва идоралар
1.9.	Икки мамлакат тадбиркорлари, хўжалик юритувчи субъектлари ва ишбилармон доиралари учун ўзаро виза олиш процедураларини соддалаштириш имкониятларини муҳокама қилиш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	Туркменистон савдо-саноат палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Туркменистон давлат миграция хизмати, тегишли вазирлик ва идоралар
1.10.	Икки давлат хўжалик юритувчи субъектлари ва ишбилармон доиралари ўртасида, шу жумладан икки давлат ҳудудида ўтказилган халқаро кўргазма, ярмарка ва бизнес-форумларда иштирок этиши учун ўзаро таширфиларини ташкил этиш орқали тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатин.	2018 — 2020 йиллар	Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Туркменистон савдо-саноат палатаси, тегишли вазирлик ва идоралар
1.11.	Қўлма корхоналар, томонларнинг компания ва корхоналари ваколатхоналари ва филиалларини ташкил этишга, ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашин.	2018 — 2020 йиллар	Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Туркменистон Савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Туркменистон Савдо-саноат палатаси, тегишли вазирлик ва идоралар
1.12.	Икки давлат ҳудудларида ўзаро миллий саноат маҳсулотлари кўргазмаларини ўтказиш.	2018 — 2020 йиллар	Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Туркменистон Савдо-саноат палатаси, тегишли вазирлик ва идоралар
1.13.	Миллий нефть ва газ компанияларининг Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳудудларида инфратузилмавий	2018 — 2020 йиллар	«Ўзбекнефтегаз» МХК	«Туркменгаз» давлат концерни, «Туркменнефть» давлат концерни,

Т/р	Тадбирлар	Ижро этиш мuddатлари	Бажарувчилар	
			Ўзбекистон Республикаси томонидан	Туркманистон томонидан
	объектларни кўриш ва хизмат кўрсатишда иштирак этиш имкониятларини кўриб чиқиш.			«Туркменгеология» давлат концерни, «Туркменнефтегазурлиш» давлат концерни
<b>II. Транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорлик</b>				
2.1.	Томонларнинг транзит ва транспорт салоҳиятларидан самарали фойдаланиш, Томонлар худудларидан юклар ташишни таъминлайдиган халқаро транспорт йўлаклари ва магистралларини ривожланишига қўмаклашиш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги	Туркманистон темир йўл транспорт вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
2.2.	Ўзбек томони ташқи савдо юкларини «Туркменбонни» норти ва Каспий денгизи орқали паромда ўтказиш орқали ташишда хизматлар вақти ва нархини камайтириш масалаларини кўриб чиқиш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги	Туркманистон темир йўл транспорт вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
2.3.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркманистон Ҳукумати ўртасида темир йўл транспортда транзит ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 2000 йил 21 сентябрда Ашхобод шаҳрида имзоланган Битимга, икки давлат худуди орқали экспорт-импорт юкларини транзит ташишда қўшимча худудлар киритишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги	Туркманистон темир йўл транспорт вазирлиги
2.4.	«Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ҷумон» халқаро транспорт ҳамда транзит йўлагини ташкил этиш тўғрисидаги Битим қондаларини ҳаётга татбиқ этишни таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган тадбирларни амалга ошириш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, тегишли вазирлик ва идоралар	Туркманистон темир йўл транспорт вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
2.5.	Минтақа давлатларининг транзит салоҳиятини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон, Туркманистон ва Эрон делегацияларининг уч томонлама учрашувини ўтказиш.	2018 йил	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги	Туркманистон темир йўл транспорт вазирлиги
2.6.	Икки мамлакат транзит салоҳиятини юксалтириш, Транскавказ транзит йўлаги орқали транзит юк ташиш хажмларини бир неча маротаба қўлайитиришга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида янги «Туркманобод-Фароб» автомобиль ва темир йўл кўприклари имкониятларидан фойдаланиш.	2018 — 2020 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт аяентлиги	Туркманистон темир йўл транспорт вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
2.7.	Туркманистон авиакомпанияси «Бонни» самолётларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш масаласини ишлаб чиқиш.	2018 — 2020 йиллар	«Ўзбекистон хаво йўллари» МАК, тегишли вазирлик ва идоралар	«Туркменхавоайлар» давлат миллий хизмат, тегишли вазирлик ва идоралар



		<b>Бажарувчилар</b>		
<b>Т/р</b>	<b>Талбирлар</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси томонидан</b>	<b>Туркманистон томонидан</b>	
2.8.	Иккала мамлакат иқтисодиётининг юкларни ташини, шу жумладан юкларни автомобилда халқаро тушувга руҳсат берувчи бланклар билан алмашини мисалдадаги эҳтиёжни қондириш мақсадида юкларни автомобил халқаро ташини ташкил этиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривож-лантириш.	2018—2020 йиллар	Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	Туркманистон автомобил транспорти вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
<b>III. Агротроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида, шу жумладан сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишда ҳамкорлик</b>				
3.1.	Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Туркманистон Хукумати ўртасида Томонларнинг чегарабўйи худудларида жойлашган хўжалик объектларидан фойдаланиш ва уларда таъмирлаш-тиқаш ишларини ўтказиш соҳасида ҳамкорлик туғрисида 2008 йил 10 мартдаги Битимни амалга ошириш. Мазкур Битимни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш.	2018—2020 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, Давлат боғхона кўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги	Туркманистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
3.2.	Икки давлат Худудда жойлашган, шу жумладан сув хўжалиги ва электроэнергетика объектларидан фойдаланишда эксплуатация ходимлари, автотранспорт ва механизмларнинг объектларга қириш, чиқини ва объектда тузиш шарҳларини тартибга солиувчи ўзаро келишилган ёндашувга амал қилиш. Чегарани кесиб ўтишда ҳам эксплуатация ходимлари, ҳам автотранспорт ва механизмлар учун бож тўловларини бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш.	2018—2020 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Давлат боғхона кўмитаси, Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси	Туркманистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
3.3.	Туркманистон Худудда тўлов асосида фойдаланилаётган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги объектларининг худуд-дини аниқлаштириш бўйича қўшма ишлар олиб бориш ва улар-дан фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш.	2018—2020 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ертелекадастр» давлат кўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги	Туркманистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
<b>IV. Таълим, фан ва соғ-лиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик</b>				
4.1	Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон олий ўқув юр-г-лари ўртасида туғридан-туғри алоқаларни ўрнатип ва ривож-лантириш. Туркман талабаларини Тошкент шаҳридаги Турин политех-ника университети, И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент шаҳридаги Вестминстер университети, Жаҳон иқтисодиёти ва	2018—2020 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Туркманистон таълим вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар



Т/р	Талдирлар	Ижро этиш мuddатлари	Бажарувчилар	
			Ўзбекистон Республикаси томонидан	Туркменистон томонидан
	дипломатия университети ва Ўзбекистоннинг бошқа олий ўқув юртига нефть ва газ соҳаси, менежмент, муҳандислик мутахассисликлари бўйича ўқинишга жалб қилиш.			
4.2.	Профессор-ўқитувчилар, амалиётчилар, тадқиқотчилар, катта илмий ходим-тадқиқотчилар, магистрлар, талабалар ва бошқалар иштирокида академик алмашиниш.	2018 — 2020 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Туркменистон таълим вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
4.3.	Соғлиқни сақлашнинг турли йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик.	2018 — 2020 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси, Самарканд давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти	Туркменистон соғлиқни сақлаш ва тиббиёт санояти вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок.

Настоящее Соглашение прекращает свое действие по истечении шести месяцев с даты получения одной из Сторон письменного уведомления другой Стороны о намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Москве 5 апреля 2017 года в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия  
Федерацияси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида  
ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида  
БИТИМ**

*2017 йил 5 апрель, Москва*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2017 йил 5 апрелдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

туризмни ривожлантириш ва Томонлар давлатлари аҳолисининг маданий ҳаёти билан яхшироқ таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1993 йил 19 мартда имзоланган Битим қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида 2004 йил 16 июнда имзоланган Битимда ўз аксини топган Ўзбекистон-Россия муносабатларининг фундаментал принципларига амал қилган ҳолда,

Томонлар давлатларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётида туризмнинг муҳим ўрнини эътиборга олган ҳолда,

туризм соҳасида икки томонлама асосда самарали ҳамкорликка эришишга интилиб.

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Томонлар бир Томон давлати фуқароларини бошқа Томон давлатининг фан, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, маданият соҳасидаги ютуқлари, табиати ва диққатга сазовор жойлари, шунингдек тарихий обидалари ва халқларининг маданий анъаналари билан таништириш мақсадида туризм соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашадилар.

**2-модда**

Томонлар халқаро конференциялар, форумлар, семинарлар, кўргазмалар, оммавий ахборот воситаларида нашрлар ташкил қилиш орқали «Буюк Ипак йўли» каби қўшма туристик йўналишлар ва брендларни илгари суришга кўмаклашадилар.

**3-модда**

Томонлар қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қиладилар:

— Томонлар давлатларида оммавий ахборот воситалари орқали реклама кампанияларини ўтказиш;

— туризмни ривожлантириш бўйича турли тадбирлар ўтказиш;

— Томонлар давлатлари ҳудудларида ўтказиладиган туристик ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиш;

— Томонлар давлатларининг туристик ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўзаро таништирув саёҳатларини ташкил қилиш;

— туризм соҳасига инвестиция жалб қилишда Томонлар ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш;

— Томонлар давлатларининг манфаатдор муассасалари мутахассисларининг тажриба алмашишлари орқали кадрлар тайёрлашга ва туризм саноати вакиллари учун стажировкалар ташкил қилишга кўмаклашиш;

— туризм соҳасида, жумладан, туристик мажмуалар ва рекреация зоналарини ташкил қилишда ахборот ва иш тажрибаси, шунингдек инвестициялар соҳасида Томонлар давлатлари қонунчилигига мувофиқ тақдим этиладиган имтиёзлар тўғрисида ахборот алмашиш;

— Томонлар давлатлари қонунчилиги доирасида туристик нашрлар ва бошқа материаллар, хусусан, Томонлар давлатларининг туристик салоҳиятини реклама қилувчи аудио ва видео материалларни тарқатиш.

#### **4-модда**

Томонлар Ўзбекистон Республикасининг туристик ва маданий-тарихий салоҳиятлари тўғрисидаги ахборот ва реклама-тарқатма материалларини учинчи давлатларда Россия Федерациясининг миллий туристик идоралари орқали тарқатиш имкониятини кўриб чиқадилар.

#### **5-модда**

Томонлар бошқа Томон давлати ҳудудида бўлиб турган Томонлар давлатлари туристларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича, шу жумладан, фавқулодда вазиятлар юзага келганда уларни эвакуация қилиш бўйича ўз давлатлари қонунчилигида ўрнатилган тартибда чоралар кўрадилар.

#### **6-модда**

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ёки талқин қилиш билан боғлиқ тарзда юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашув ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

#### **7-модда**

Томонлар зарурият туғилганда мазкур Битим қоидаларини бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиладиган ва ишчи гуруҳлар ташкил қиладилар.

### **8-модда**

Мазкур Битим Томонларнинг давлатлари иштирокчилар ҳисобланган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

### **9-модда**

Мазкур Битим қоидаларини бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар, башарти ҳар бир алоҳида ҳолатда бошқача тарзда келишилган бўлмаса, Томонлар давлатларининг қонунчилигига мувофиқ тегишли соҳа учун ажратилган мавжуд молиявий ресурслар доирасида ҳар бир Томон тарафидан қопланади.

### **10-модда**

Томонларнинг келишувига кўра мазкур Битимга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартишлар киритилиши мумкин.

### **11-модда**

Томонлар мазкур Битимни амалга ошириш учун масъул бўлган қуйидаги ваколатли органларни тайинлайдилар:

Ўзбекистон томонидан — Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси;

Россия томонидан — Туризм бўйича федерал агентлик.

### **12-модда**

Мазкур Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томоннинг ёзма хабарномасини олган санадан уч ой ўтгунига қадар амалда бўлади.

Москва шаҳрида 2017 йил 5 апрелда ҳар бири ўзбек ва рус тилларида бўлган икки нусхада имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

*(имзолар)*

**СОГЛАШЕНИЕ**  
**между Правительством Республики Узбекистан и**  
**Правительством Российской Федерации о развитии**  
**сотрудничества в области туризма**

*Москва, 5 апреля 2017 года*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан  
5 апреля 2017 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, именуемые в дальнейшем Сторонами,

в целях создания благоприятных условий для развития туризма и лучшего ознакомления с культурной жизнью населения государств Сторон,

руководствуясь положениями Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о сотрудничестве в области культуры, науки и техники, образования, здравоохранения, информации, спорта и туризма от 19 марта 1993 года, фундаментальными принципами узбекско-российских отношений, заложенными в Договоре о стратегическом партнерстве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 16 июня 2004 года,

принимая во внимание важную роль туризма в экономическом, социальном и культурном прогрессе государств Сторон,

стремясь достичь эффективного сотрудничества в области туризма на двусторонней основе,

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**

Стороны способствуют расширению сотрудничества в области туризма в целях ознакомления граждан государства одной Стороны с достижениями в области науки, экономики, социального развития, культуры, с природой и достопримечательностями, а также историческими памятниками и культурными традициями народов государства другой Стороны.

**Статья 2**

Стороны способствуют продвижению таких совместных туристских маршрутов и брендов, как «Великий Шелковый путь» и другие, путем организации международных конференций, форумов, семинаров, выставок, публикаций в средствах массовой информации.

**Статья 3**

Стороны сотрудничают в следующих направлениях:

— проведение рекламных кампаний в средствах массовой информации в государствах Сторон;



- проведение различных мероприятий по развитию туризма;
- участие в туристических ярмарках и выставках, проводимых на территориях государств Сторон;
- организация взаимных ознакомительных поездок для представителей туристических организаций и средств массовой информации государств Сторон;
- поддержка сотрудничества Сторон в привлечении инвестиций в сферу туризма;
- содействие в подготовке кадров и организации стажировок для представителей туристской индустрии путем обмена опытом специалистами заинтересованных учреждений государств Сторон;
- обмен информацией и опытом работы в области туризма, включая создание туристических комплексов и рекреационных зон, а также информацией о льготах в области инвестиций, предоставляемых в соответствии с законодательством государств Сторон;
- распространение в рамках законодательства государств Сторон туристических изданий и других материалов, в частности, аудио и видеоматериалов, рекламирующих туристический потенциал государств Сторон.

#### **Статья 4**

Стороны рассмотрят возможность распространения информационных, рекламно-раздаточных материалов о туристическом и культурно-историческом потенциале Республики Узбекистан через национальные туристические офисы Российской Федерации в третьих странах.

#### **Статья 5**

Стороны в порядке, установленном законодательством своих государств принимают меры по защите прав и законных интересов, а также по обеспечению безопасности туристов государств Сторон, находящихся на территории государства другой Стороны, в том числе меры по их эвакуации в случае возникновения чрезвычайных ситуаций.

#### **Статья 6**

Любые споры и разногласия, возникающие в связи с применением или толкованием положений настоящего Соглашения, разрешаются между Сторонами путем консультаций и переговоров.

#### **Статья 7**

Стороны, в случае необходимости, проводят консультации и создают рабочие группы по вопросам, связанным с выполнением положений настоящего Соглашения.

#### **Статья 8**

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств Сторон,

вытекающих из других международных договоров, участниками которых являются их государства.

### **Статья 9**

Расходы, связанные с выполнением положений настоящего Соглашения, покрываются каждой Стороной в соответствии с законодательством государств Сторон в пределах имеющихся финансовых ресурсов, выделенных на соответствующую сферу, если в каждом конкретном случае не согласовано иное.

### **Статья 10**

По согласию Сторон, в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения, оформляемые отдельными протоколами и являющиеся неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

### **Статья 11**

Стороны назначают следующие компетентные органы, ответственные за реализацию настоящего Соглашения:

с Узбекской Стороны — Государственный комитет Республики Узбекистан по развитию туризма;

с Российской Стороны — Федеральное агентство по туризму.

### **Статья 12**

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты подписания и действует до истечения трех месяцев со дня получения одной из Сторон письменного уведомления другой Стороны о намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Москве 5 апреля 2017 года в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия  
Федерацияси Ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш,  
тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик тўғрисида  
БИТИМ**

*2017 йил 5 апрель, Москва*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2017 йил 5 апрелдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, бундан кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашиш истагида,

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида 2004 йил 16 июнда имзоланган Битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Шартнома коидаларига асосланган ҳолда,

соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ўзаро қизиқиш уйғотадиган бир қатор муаммоларни ҳал этишда иккала давлат саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадга мувофиқлигини англаб,

соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик икки давлат ўртасида ўзаро дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишини эътироф этиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Томонлар тенглик ва ўзаро манфаатларни инобатга олиш принциплари асосида ҳамда Томонлар давлатлари қонунчилигига мувофиқ соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадилар, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширадилар.

**2-модда**

Томонлар Ўзбекистон билан Россия ташкилотлари ўртасида соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида тўғридан-тўғри алоқаларни рағбатлантирадилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

**3-модда**

Томонлар соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида долзарб масалалар бўйича қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни амалга оширадилар:

— соғлиқни сақлаш миллий тизимини ташкил этиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида фаолиятни бошқариш;

— атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар, шу жумладан сил касаллиги, одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) ва бошқа касалликлар;

— юқумли бўлмаган касалликлар, шу жумладан юрак-қон-томир, онкологик, эндокрин ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш;

— оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш;

— тиббий буюмлар ва тиббиётда қўллаш учун дори воситалари муомаласи соҳасида давлат томонидан тартибга солиш масалалари;

— тиббий буюмлар ва тиббиётда қўллаш учун дори воситаларини ишлаб чиқариш;

— аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш;

— соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

— саломатлик ва атроф-муҳит;

— овқатланиш гигиенаси;

— ҳалокатлар вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш;

— соғлиқни сақлаш соҳасида мутахассисларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

— соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида Томонлар давлатларининг ваколатли органлари тарафидан келишилган ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари.

#### **4-модда**

Мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлик қўйидаги шаклда амалга оширилади:

— соғлиқни сақлаш соҳасида мазкур Битимнинг 3-моддасида кўрсатилган йўналишлар бўйича норматив-ҳуқуқий, статистик ва тахлилий ахборот билан алмашиш;

— мутахассислар, ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви;

— мутахассислар, ўқитувчилар ва талабаларнинг Томонлардан бири ташкиллаштираётган конгресс, илмий конференциялар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши;

— қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш;

— Томонлар давлатларининг ваколатли органлари тарафидан келишилган ҳамкорликнинг бошқа кўринишлари.

#### **5-модда**

Мазкур Битимни амалга ошириш, шу жумладан, Томонлар вакилларининг хизмат сафарлари ва уларнинг қабул қилувчи давлат ҳудудида яшаши билан боғлиқ бўлган барча харажатларни Томонлар мустақил равишда қоплайдилар, башарти бошқача тарзда келишиб олмасалар.

### **6-модда**

Мазкур Битим бажарилиши учун қўйидагилар ваколатли органлар ҳисобланади:

Ўзбекистон томонидан:

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

— «Ўзфармсаноат» давлат-акциядорлик концерни;

Россия томонидан:

— Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

— Россия Федерацияси саноат ва савдо вазирлиги.

### **7-модда**

Мазкур Битим амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Томонлар давлатларининг ваколатли органлари:

— мазкур Битимни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутовчи дастурлар ва режаларни тасдиқлайдилар;

— зарур ҳолларда Томонлар давлатларининг ваколатли органлари ва бошқа ташкилотлари вакиллари иштирокида соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича учрашувлар ўтказадилар.

### **8-модда**

Ҳар бир Томон давлати қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ, Томонлар интеллектуал фаолият натижаларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек интеллектуал фаолиятдан ва интеллектуал мулкдан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрадилар.

Мазкур Битимни амалга ошириш жараёнида яратиладиган, фойдаланиладиган ва тақдим этиладиган интеллектуал фаолият натижаларига ҳуқуқни тақсимлаш, ушбу натижаларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек мазкур Битимни амалга ошириш жараёнида яратиладиган, фойдаланиладиган ва тақдим этиладиган интеллектуал мулкни ҳимоялаш ва ундан фойдаланиш тартиби алоҳида икки томонлама битимлар предмети ҳисобланади.

### **9-модда**

Томонлар мазкур Битимни талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчиликларни, шунингдек мазкур Битимни бажаришдан келиб чиқиши мумкин бўлган низоли масалаларни маслаҳатлашув ва музокаралар йўли билан ҳал қиладилар.

### **10-модда**

Томонларнинг ўзаро розилигига кўра мазкур Битимга алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилладиган, унинг ажралмас қисми ҳисобланади-

ган ва мазкур Битим 11-моддасида назарда тутилган тартибда кучга кириданган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

### **11-модда**

Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга кириди ва Томонлардан бири унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томоннинг тегишли ёзма хабарномасини дипломатик каналлар орқали олган санадан олти ой ўтгунига қадар амалда бўлади.

Мазкур Битим амал қилишининг тугатилиши, башарти Томонлар ўртасида бошқа келишувга эришилмаган бўлса, ушбу Битим доирасида амалга ошириладиган амалдаги дастурлар, режалар ва келишувларни бажаришга нисбатан дахл қилмайди.

Москва шаҳрида 2017 йил 5 апрелда ҳар бири ўзбек ва рус тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

*(имзолар)*

## **СОГЛАШЕНИЕ**

### **между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о сотрудничестве в области здравоохранения, медицинского образования и науки**

*Москва, 5 апреля 2017 года*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан  
5 апреля 2017 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, далее именуемые Сторонами,

желая содействовать дальнейшему развитию и углублению сотрудничества между двумя государствами в области здравоохранения, медицинского образования и науки,

основываясь на положениях Договора о стратегическом партнерстве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 16 июня 2004 года и Договора о союзнических отношениях между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 14 ноября 2005 года,

осознавая целесообразность объединения усилий обоих государств в

решении ряда проблем в области здравоохранения, медицинского образования и науки, представляющих взаимный интерес,

признавая, что сотрудничество в области здравоохранения, медицинского образования и науки внесет вклад в укрепление дружеских взаимоотношений между двумя государствами,

**согласились о нижеследующем:**

### **Статья 1**

Стороны развивают сотрудничество в области здравоохранения, медицинского образования и науки, реализуют меры по обеспечению санитарно-эпидемиологического благополучия населения на основе принципов равенства, учета взаимных интересов и в соответствии с законодательством государств Сторон.

### **Статья 2**

Стороны поощряют и поддерживают прямые контакты между российскими и узбекскими организациями в области здравоохранения, медицинского образования и науки.

### **Статья 3**

Стороны осуществляют сотрудничество по актуальным вопросам в области здравоохранения, медицинского образования и науки по следующим направлениям:

— организация национальной системы здравоохранения и управление деятельностью в области здравоохранения;

— заболевания, представляющие опасность для окружающих, включая туберкулез, заболевание, вызываемое вирусом иммунодефицита человека (ВИЧ-инфекция) и другие заболевания;

— неинфекционные заболевания, включая профилактику, диагностику и лечение сердечно-сосудистых, онкологических, эндокринных и других заболеваний;

— охрана здоровья матери и ребенка;

— вопросы государственного регулирования в области обращения лекарственных средств для медицинского применения и медицинских изделий;

— производство лекарственных средств для медицинского применения и медицинских изделий;

— обеспечение санитарно-эпидемиологического благополучия населения;

— пропаганда здорового образа жизни;

— здоровье и окружающая среда;

— гигиена питания;

— медицина катастроф;

— обучение, переподготовка и повышение квалификации специалистов в области здравоохранения;

— другие направления сотрудничества в области здравоохранения, медицинского образования и науки, согласованные компетентными органами государств Сторон.

#### **Статья 4**

Сотрудничество в рамках настоящего Соглашения осуществляется в форме:

— обмена информацией нормативно-правового, статистического и аналитического характера в сфере здравоохранения по направлениям, указанным в статье 3 настоящего Соглашения;

— обмена специалистами, преподавателями и студентами;

— участия специалистов, преподавателей и студентов в конгрессах, научных конференциях и иных мероприятиях, организуемых одной из Сторон;

— проведения совместных научных исследований;

— других форм сотрудничества, согласованных компетентными органами государств Сторон.

#### **Статья 5**

Все расходы, связанные с исполнением настоящего Соглашения, в том числе на командирование представителей Сторон и их проживание на территории принимающего государства, Стороны несут самостоятельно, если не договорятся об ином.

#### **Статья 6**

Компетентными органами, ответственными за выполнение настоящего Соглашения, являются:

от Узбекской Стороны:

— Министерство здравоохранения Республики Узбекистан;

— Государственно-акционерный концерн «Узфарманоат»;

от Российской Стороны:

— Министерство здравоохранения Российской Федерации;

— Министерство промышленности и торговли Российской Федерации.

#### **Статья 7**

В целях обеспечения реализации настоящего Соглашения компетентные органы государств Сторон:

— утверждают программы и планы, предусматривающие конкретные мероприятия по выполнению настоящего Соглашения;

— при необходимости проводят встречи с участием представителей компетентных органов и других организаций государств Сторон по вопросам, связанным с развитием сотрудничества в области здравоохранения, медицинского образования и науки.



### **Статья 8**

В соответствии с законодательством государства каждой из Сторон и международными договорами, участниками которых являются Республика Узбекистан и Российская Федерация, Стороны принимают необходимые меры по обеспечению правовой охраны результатов интеллектуальной деятельности, а также по недопущению противоправного использования интеллектуальной деятельности и интеллектуальной собственности.

Порядок распределения прав на результаты интеллектуальной деятельности, создаваемые, используемые или передаваемые в ходе реализации настоящего Соглашения, их правовой охраны и использования, а также порядок защиты и использования интеллектуальной собственности, создаваемой, используемой или передаваемой в ходе реализации настоящего Соглашения, являются предметом отдельных двусторонних соглашений.

### **Статья 9**

Любые разногласия между Сторонами, связанные с толкованием или применением настоящего Соглашения, а также спорные вопросы, которые могут возникнуть при выполнении настоящего Соглашения, разрешаются Сторонами путем проведения консультаций и переговоров.

### **Статья 10**

В настоящее Соглашение по согласию Сторон могут быть внесены изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являются неотъемлемой частью настоящего Соглашения и вступают в силу в порядке, предусмотренном статьей 11 настоящего Соглашения.

### **Статья 11**

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня его подписания и действует до истечения шести месяцев с даты получения одной Стороной по дипломатическим каналам соответствующего письменного уведомления другой Стороны о ее намерении прекратить его действие.

Прекращение действия настоящего Соглашения не затрагивает выполнение действующих программ, планов и договоренностей, реализуемых в рамках настоящего Соглашения, если Сторонами не будут согласовано иное.

Совершено в городе Москве 5 апреля 2017 года в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан Туркменистон Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ер ресурслари давлат қўмитаси ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида БИТИМ**

*2017 йил 20 май, Туркманбоши*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2017 йил 20 майдан кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Туркменистон Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ер ресурслари давлат қўмитаси, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1996 йил 16 январда имзоланган Шартнома ва Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисида 2017 йил 6 мартда имзоланган Шартнома қоидаларига амал қилган ҳолда,

Томонлар давлатлари ўртасидаги дўстона муносабатларнинг юқори даражасидан келиб чиқиб,

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни такомиллаштиришга ҳамда Томонлар давлатларининг миллий ва халқаро экологик дастурларда қатнашиши бўйича қўшма фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларнинг муҳим ва долзарблигини инобатга олган ҳолда, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик принципларига асосланиб,

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш бўйича Рио-де-Жанейро декларацияси (Рио-де-Жанейро, 1992 йил), БМТнинг Минг йиллик декларацияси (Нью-Йорк, 2000 йил), Барқарор ривожланиш бўйича Йоханнесбург декларацияси (Йоханнесбург, 2002 йил), шунингдек БМТ барқарор ривожланиш бўйича конференциясининг Рио-20 «Биз истаган келажак» якуний ҳужжати принциплари ва тавсияларига амал қилган ҳолда,

Томонлар давлатларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш бўйича ҳамкорлик қилишдаги умумий манфаатларини инобатга олиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда**

Ушбу Битим Томонлар давлатлари манфаатлари йўлида миллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги экологик таҳдидларга ечим топиш ва тегишли жавоб қайтариш учун Томонлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган.

## 2-модда

Томонлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантирадilar:

а) биохилма-хилликни сақлаш, шу жумладан ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ҳайвонлар турлари популяциясини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш;

б) иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига мослашиш;

в) муқобил энергия манбаларини ривожлантириш;

г) атроф-табиий муҳитни мониторинг қилиш;

д) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш;

е) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

ж) Оролни қутқариш халқаро Фонди фаолиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш;

з) экологик талофат ҳудудларида, биринчи навбатда, Орол денгизи қуришининг салбий экологик оқибатлари билан боғлиқ ҳудудларда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш бўйича глобал ва минтақавий муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш;

и) Томонлар учун ўзаро қизиқиш уйғотадиган ҳамкорликнинг ҳар қандай бошқа соҳалари.

## 3-модда

Ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатилган йўналишлар бўйича ҳамкорлик қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида тажриба, илмий-техникавий ахборот, норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатлар билан алмашиш;

б) қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш;

в) қўшма учрашувлар, тренинглар, семинар ва конференциялар ўтказиш, ташрифлар алмашинувини ташкил қилиш;

г) минтақавий ва халқаро ҳамкорлик платформалари ва жараёнлари доирасида Томонлар давлатларининг умумий манфаатларига мувофиқ бўлган қўшма ташаббусларни илгари суриш;

д) Томонлар биргаликда амалга ошириши мумкин бўлган ҳамкорликнинг ҳар қандай бошқа шакллари.

## 4-модда

Ушбу Битим доирасида ҳамкорликни амалга оширишни мувофиқлаштириш мақсадида Томонлар масъул бўлинмалар ва шахслар тўғрисида бир-бирларини қисқа муддатларда ёзма равишда хабардор қиладилар.

Масъул бўлинмалар ва шахслар ўзгартирилган тақдирда, Томонлар ушбу ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

### **5-модда**

Томонлар ушбу Битим доирасида олинаётган ахборотнинг махфийлигини таъминлашлари лозим ҳамда бундай ахборот учинчи шахсларга фақатгина бошқа Томоннинг олдиндан ёзма розилиги олингандан сўнг тақдим қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат сири ва Туркменистон давлат сирини ташкил қилувчи маълумотлар ушбу Битим доирасида тақдим қилинмайди.

### **6-модда**

Ушбу Битим доирасида Томонлар:

а) Битимни амалда татбиқ қилишга қаратилган қўшма тадбирлар режалари, ҳаракат дастурлари ва «йўл хариталари»ни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;

б) зарур ҳолларда, икки томонлама ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни такомиллаштириш истиқболларини муҳокама қилиш бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузадилар ва мунтазам маслаҳатлашувлар механизмини йўлга қўядилар.

### **7-модда**

Башарти ҳар бир алоҳида ҳолатда ўзгача тартиб келишилмаган бўлса, Томонлар ушбу Битимни амалга ошириш давомида юзага келиши мумкин бўлган харажатларни мустақил равишда қоплайдилар.

### **8-модда**

Ушбу Битимни қўллаш ва талқин қилиш билан боғлиқ Томонлар ўртасида юзага келадиган ҳар қандай низолар маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал этилади.

### **9-модда**

Ушбу Битим қондалари Томонлар давлатлари иштирокчи ҳисобланган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга даҳл қилмайди.

### **10-модда**

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланувчи алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин бўлиб, улар мазкур Битимнинг 11-моддасида белгиланган тартибда кучга киради.

### **11-модда**

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири бошқа Томоннинг ушбу Битим амал қилишини тугатиш нияти тўғри-

сидаги ёзма хабарномасини олган кундан бошлаб икки ой ўтгунга қадар амал қилади.

Ушбу Битим амал қилишининг тугатилиши Битим доирасида бошланган ва унинг амал қилиши тугатилгунга қадар яқунланмаган лойиҳа ва дастурлар ижросининг тугатилишига олиб келмайди.

Туркманбоши шаҳрида 2017 йил 20 майда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда тафовутлар келиб чиққан ҳолларда Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

*(имзолар)*

## **СОГЛАШЕНИЕ**

**между Государственным комитетом Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды и Государственным комитетом Туркменистана по охране окружающей среды и земельным ресурсам о сотрудничестве в области охраны окружающей среды и устойчивого развития**

*Туркменбаши, 20 мая 2017 года*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан  
20 мая 2017 года)*

Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды и Государственный комитет Туркменистана по охране окружающей среды и земельным ресурсам, в дальнейшем именуемые «Стороны»,

руководствуясь положениями Договора о дружбе, сотрудничестве и взаимопомощи между Республикой Узбекистан и Туркменистаном от 16 января 1996 года и Договора о стратегическом партнерстве между Республикой Узбекистан и Туркменистаном от 6 марта 2017 года,

исходя из высокого уровня дружественных отношений между государствами Сторон,

принимая во внимание важность и актуальность усилий, направленных на совершенствование сотрудничества в сфере охраны окружающей среды и координации совместных действий по участию государств Сторон в национальных и международных экологических программах,

основываясь на принципах равенства и взаимной выгоды,

следуя принципам и рекомендациям Рио-де-Жанейрской декларации по окружающей среде и развитию (Рио-де-Жанейро, 1992 г.), Декларации тысячелетия ООН (Нью-Йорк, 2000 г.), Йоханнесбургской декларации по устойчивому развитию (Йоханнесбург, 2002 г.), а также итогового документа Конференции ООН по устойчивому развитию Рио-20 «Будущее, которое мы хотим» (Рио-де-Жанейро, 2012 г.), Целям устойчивого развития,

учитывая общий интерес государств Сторон в сотрудничестве по охране окружающей среды и устойчивому развитию,

**согласились о нижеследующем:**

### **Статья 1**

Настоящее Соглашение направлено на расширение и развитие сотрудничества между Сторонами для решения и соответствующего реагирования экологическим вызовам на национальном, региональном и глобальном уровнях в интересах государств Сторон.

### **Статья 2**

Стороны в рамках своих компетенций развивают сотрудничество по следующим направлениям:

а) сохранение биологического разнообразия, в том числе охрана и восстановление популяций редких и находящихся под угрозой исчезновения видов животных, развитие системы охраняемых природных территорий;

б) изменение климата и адаптация к его последствиям;

в) развитие альтернативных источников энергии;

г) мониторинг окружающей природной среды;

д) охрана атмосферного воздуха;

е) рациональное использование природных ресурсов;

ж) укрепление и совершенствование деятельности Международного Фонда спасения Арала;

з) изучение и решение глобальных и региональных проблем по улучшению состояния окружающей среды в зонах экологического бедствия, в первую очередь, связанных с отрицательными экологическими последствиями высыхания Аральского моря;

и) любые другие сферы, представляющие Сторонам взаимный интерес.

### **Статья 3**

Сотрудничество по направлениям, указанным в статье 2 настоящего Соглашения, осуществляется в следующих формах:

а) обмен опытом, научно-технической информацией, нормативно-правовыми актами и нормативно-техническими документами в области охраны окружающей среды;

б) разработка совместных программ и проектов;

в) проведение совместных встреч, тренингов, семинаров и конференций, организация обмена визитами;

г) продвижение совместных инициатив, отвечающих общим интересам государств Сторон в рамках региональных и международных платформ и процессов сотрудничества;

д) любые другие формы сотрудничества, которые могут быть совместно реализованы Сторонами.

#### **Статья 4**

Для координации реализации сотрудничества в рамках настоящего Соглашения, Стороны в кратчайшие сроки письменно уведомляют друг друга об ответственных подразделениях и лицах.

В случае замены ответственных подразделений и лиц, Стороны информируют друг друга о данной замене.

#### **Статья 5**

Стороны обязаны соблюдать конфиденциальность информации, получаемой в рамках настоящего Соглашения, и она может передаваться третьим лицам только после получения предварительного письменного согласия другой Стороны.

Сведения, составляющие государственную тайну Туркменистана и государственную тайну Республики Узбекистан, не подлежат передаче в рамках настоящего Соглашения.

#### **Статья 6**

В рамках настоящего Соглашения Стороны:

а) разрабатывают и реализовывают совместные планы мероприятий, программы действий и «дорожные карты», направленные на практическую реализацию настоящего Соглашения;

б) при необходимости, создают совместную рабочую группу и налаживают механизм регулярных консультаций по обсуждению текущего состояния и перспектив совершенствования двустороннего взаимодействия.

#### **Статья 7**

Стороны самостоятельно несут расходы, которые могут возникнуть в ходе реализации настоящего Соглашения, если в каждом конкретном случае не будет согласован иной порядок.

#### **Статья 8**

Любые споры, возникающие между Сторонами, в связи с применением и толкованием настоящего Соглашения, решаются посредством консультаций и переговоров.

#### **Статья 9**

Положения настоящего Соглашения не затрагивают права и обязаннос-

ти, вытекающие из других международных договоров, участниками которых являются государства Сторон.

### **Статья 10**

По согласованию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения, и вступают в силу в порядке, установленном в статье 11 настоящего Соглашения.

### **Статья 11**

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня его подписания и действует до истечения двух месяцев со дня получения одной из Сторон письменного уведомления другой Стороны о намерении прекратить его действие.

Прекращение действия настоящего Соглашения не влечет за собой прекращение реализации проектов и программ, начатых в рамках настоящего Соглашения и не завершенных к моменту прекращения его действия.

Совершено в городе Туркменбаши 20 мая 2017 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, туркменском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае расхождения в толковании положений настоящего Соглашения Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

*(подписи)*









**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами /  
Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 1-2 (53-  
54)-сон, 2017. — 88 б.**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2018 й.

**Тахрир кенгаши:**

*Н.С. Жўраев, М. Азимов, А.М. Инанбабаев*

---

Тахририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги,  
100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.

---

**Нашрга тайёрлаганлар:**

*А.А. Омонов, Г.З. Назиров, Ш.Ш. Бахранов.*

**Компьютерда саҳифаловчи:** *Ш.Ш. Қурбонбоев.*

**Мусахҳихлар:** *Г.К. Ортиқхўжаева, Д.А. Ибрагимова.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

хузуридаги ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти.

100192, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.

Обуна масалалари бўйича тел./ф.: +99871 268-28-45, +99890 936-73-93.

---

Босишга рухсат этилди 19.02.2018. Бичими 70x108<sup>1/16</sup>.

Ҳажми 5,5 б.т. Адади 1694 нусха, буюртма — 245.

Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди,  
100128, Тошкент ш., Лабзак кўчаси, 86-уй.

